

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ МУАССАСИ**

ХМИРОВ ПАВЕЛ ВИКТОРОВИЧ

**БЕШКЕНТ ЭГИЛМАСИНИНГ ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УГЛЕВОДОРОД РЕСУРС
БАЗАСИНИ КЎПАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025 й.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хмыров Павел Викторович

Бешкент эгилмасининг геологик тузилишининг ўзига хос
хусусиятлари ва углеводород ресурс базасини кўпайтириш
истикболлари..... 3

Хмыров Павел Викторович

Особенности геологического строения и перспективы наращивания
ресурсной базы углеводородного сырья Бешкентского
прогиба..... 19

Xmirov Pavel Viktorovich

Peculiarities of geological structure and prospects increasing the
hydrocarbon resource base of the Beshkent trough..... 35

Навр қилинган ишлари рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ МУАССАСИ**

ХМИРОВ ПАВЕЛ ВИКТОРОВИЧ

**БЕШКЕНТ ЭГИЛМАСИНИНГ ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИНING
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УГЛЕВОДОРОД РЕСУРС
БАЗАСИНИ КЎПАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025 й.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.PhD/GM170 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ing.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Богданов Александр Николаевич
геология-минералогия фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Долгополов Феликс Геннадьевич
геология-минералогия фанлари доктори

Закиров Равшан Тулкунович
геология-минералогия фанлари номзоди,
профессор

Етакчи ташкилот:

«Ўзбекгеофизика» АЖ

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти ҳузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « 19 » март куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри., Олимлар кўчаси, 64-Б уй., e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4402 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-Б уй., e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил « 27 » феврал куни тарқатилди.


(2024 йил « 02 » декабрдаги 1 рақамли реестр баённомаси).





Т.Х. Шоймуротов

Илмий даражалар бериш бўйича
илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д., к.и.х.



М.Г. Юлдашева

Илмий даражалар бериш бўйича
илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.д., к.и.х.



Г.Б.Евсеева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
Илмий семинарнинг раиси ўринбосари, г.-м.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши ўсиш тенденцияси кузатилиб, энергия ресурслари истеъмолининг ошиши билан бирга, захиралар базасини оширишга ҳам маълум талаблар қўйилмоқда. Углеводород хомашёсини кўпайтириш муаммоси ёқилғи-энергетика тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун геологик-қидирув корхоналари олдига қўйилади, шу билан бирга янги очилаётган конларни ўзлаштириш ва илгари очилган конларни кўшимча ўрганиш ҳисобига нефт ва газ захираларининг ўсиш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан, углеводород хом ашёси захираларини кўпайтириш мақсадида олдин ўрганиб чиқилган нефтгазли ҳудудларни янада батафсил ўрганиш, илгари очилган конларнинг қидирув даражасини ошириш, янги стратиграфик комплексларни излаш устувор вазифаларидан бири бўлиб, бу назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Дунёда углеводород хомашёсини қазиб олишни кўпайтириш ва барқарорлаштириш учун янги услубиётлардан фойдаланган ҳолда узоқ вақт давомида ўзлаштирилаётган нефть ва газ ҳудудларини минтақавий ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан нефтгазлилиқни минтақавий башоратлаш ва микдорий баҳолаш учун ҳудудларнинг ҳавзавий моделларини ишлаб чиқиш, тузилиши ва ҳисоблаш параметрларини аниқлаштириш, конларнинг уч ўлчамли моделларини куриш учун геологик-геофизик материалларни қайта ишлаш ва қайта талқин қилишнинг инновацион усулларини қўллаш, янги истиқболли тузилмаларни аниқлаш, янги углеводород хом ашёси конларини излаш, кам ўрганилган стратиграфик комплексларни қидиришнинг мақсадга мувофиқлигини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда нефт-газ тармоғини ривожлантириш, шу жумладан қазиб олиш имкониятларини ошириш, нефть ва газларини қайта ишлаш учун технологияларни жорий этиш юзасидан маълум илмий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегиясида¹, «миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга, ички ялпи маҳсулотда саноатга доир улушини оширишга, саноатга доир маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган саноатга доир сиёсатини амалга оширишни давом эттириш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, Бешкент эгилмасининг геологик тузилишини аниқлаш ва янги объектларни тайёрлаш башорати геологик-қидирув ишларини олиб бориш учун муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги «Иқтисодиётни ва аҳолини энергетик ресурслар билан барқарор таъминлаш, нефт-газ тармоғини бошқариш тизимини молиявий соғломлаштириш ва такомиллаштириш чоралари тўғрисида» Фармонида; 2019 йил 18 ноябрдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йиллар учун Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш Стратегияси тўғрисида» Фармони.

ПҚ-4522-сон «Нефт ва газ бўйича геологик қидирув ишларини ташкил этиш ва ўтказиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» Қарорида; 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш Стратегияси тўғрисида» Фармонида; 2023 йил 27 июлдаги ПФ-116-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида тоғ-кон саноати ва геология соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонида, ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бухоро-Хива минтақасининг, шу жумладан, биз ўрганаётган ҳудуднинг (Бешкент эгилмасининг) геологик тузилишини ўрганиш, ва унинг углеводород истиқболларини баҳолаш муаммолари билан Акрамходжаев О.М., Абидов А.А., Бабаджанов Т.Л., Бабаев А.Г., Киршин А.В., Абдуллаев Г.С., Нугманов А.Х., Ситдиқов Б.Б., Таль-Вирский Б.Б., Хаин В.Е., Долгополов Ф.Г., Богданов А.Н., Каршиев О.А., Хайитов Н.Ш., Раубходжаева Т.С., Мордвинцев О.П., Ахмедов П.У., Эйдельмант Н.К., Габрильян Р.А., Евсеева Г.Б., Сафонова Л.Н. каби олимлар, ва бошқа кўплаб мутахассислар шуғулланишган.

Геологик тадқиқотларни тузилмавий ва чуқур излов-қидирув бурғилаш натижалари билан, ҳамда геофизик ишларнинг (АЕТУ, СТКУ, УЧН-2D ва 3D) натижалари билан комплекс олиб бориш Бешкент эгилмасининг чуқур геологик тузилишини ўрганиш имкониятини берди.

Ушбу ҳудудда Қамаш, Бешкент каби конлар, ҳамда ноёб Шуртан кони кашф этилганлиги ушбу соҳанинг ривожланишидаги муҳим тўртки бўлди, чунки бунда нафақат Бешкент эгилмаси ҳудудида ушбу конлар юра даврига мансуб карбонат ётқизикларида саноат даражасидаги газ мавжудлиги исботланди, балки республиканинг нефтгаз қазиб олиш ва нефтгазни қайта ишлаш қувватининг ривожланишига тўртки бўлди, яъни 1980 йилда Шуртан газни қайта ишлаш заводи, кейин эса 2001 йилда – Шуртан газ-кимё комплекси қурилди. Бугунги кунга қадар кўриб чиқиладиган ҳудудда илгари ўтказилган геологик қидирув ишлари натижаларига кўра 50 дан ортиқ нефт ва газ конлари очилган бўлиб, улар суюқ углеводородлар билан бир қаторда суюқ синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш учун GTL заводининг қурилишига ёрдам берди. Бироқ, ҳар йили углеводород захираларини ошириш мураккаб бўлиб бормоқда, шунга қарамай, Бешкент эгилмасида уларни янада кўпайтириш учун маълум захиралар мавжуд.

Шуни таъкидлаш керакки, саноатга доир захираларининг бутун ҳажми юра карбонат формациясида тўпланган. Қолган нефтгазли ва нефтгазга истиқболли куйи-ўрта юра, бўр, шунингдек, эҳтимол, палеозой комплекслари

ҳали ҳам жуда оз ўрганилган, шунинг учун бу қатламларининг истиқболлари ва захираларни кўпайтириш имкониятларига қизиқиш ортиб бормоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти» ДМнинг илмий-тадқиқот ишлари режасининг: 47-21 УНГ «Углеводородларнинг хом ашё базасини ошириш мақсадида, Шуртан зонасида жойлашган истиқболли тузилмаларда геологик қидируви ишлари ўтказилишини асослаш» (2021); 45-21 УНГ ««Кон» ва «Қудук» ахборот базаларини мониторинг қилиш» (2021); 46-21 УНГ ««Ўзбекнефтегаз» АЖ нинг фаолияти ҳудудларидаги янги объектларда углеводородлар ресурсларини ўзлаштириш мақсадида, режалаштириладиган геологик-қидирув ишларининг геологик-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш» (2021); ПД 6-19 Т «2045 йилгача давр учун нефт ва газ бўйича геологик-қидирув ишларининг башорати» (2019); 6-23 УГ «2020-2022 йилларда тайёрланган тузилмаларнинг рейтинги асосида нефт ва газ бўйича геологик қидирув ишларини геологик-иқтисодий асослаш» (2023) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бешкент эгилмасининг геологик тузилишининг хусусиятларини аниқлаш ва углеводород ресурс базасини кўпайтириш истиқболларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бешкент эгилмасининг геологик ва геофизик ўрганилганлигини таҳлил қилиш, геологик тузилишини, шунингдек, нефтгазлилик салоҳияти истиқболларини аниқлаштириш;

Бешкент эгилмасининг углеводород хом ашё базаси ҳолатини баҳолаш натижаларини таққослаш;

башоратли ресурсларни, истиқболли ресурсларни ва дастлабки баҳоланган захираларни саноатга доир тоифалардаги захираларга ўтказиш коэффициентларини аниқлаш;

Бешкент эгилмасидаги мавжуд конлар ва истиқболли объектлар фонди ҳисобига углеводород хом ашёсининг ресурслари базасини ошириб бориш истиқболларини баҳолаш;

башоратли ресурслар ҳисобига саноат миқёсидаги углеводород хом ашёси захираларини эҳтимолий ўстиришни баҳолаш;

геологик-қидирув ишларининг устувор йўналишлари ва объектларини аниқлаш ва уларни амалга оширишнинг геологик-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;

янги тутқичларни аниқлаш ҳисобига хом ашё базасини ўстириш имкониятини баҳолаш ва уларда геологик-қидирув ишларини бажаришнинг геологик-иқтисодий самарадорлигини дастлабки баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро-Хива минтақасидаги Бешкент эгилмасининг мезозой ёшидаги нефтгазли ва нефтгазга истиқболли ётқизиқлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Бешкент эгилмасининг углеводород ресурс базасини ошириш истиқболларини асослаш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида геологик ва геофизик тадқиқот усуллари мажмуаси, жумладан, структурали-тектоник хариталаш ва нефть ва газни геологик районлаштириш, сейсмик кидирув ишлари натижаларини таҳлил қилиш ва шарҳлаш УЧН-2Д, УЧН-3Д, чуқур бурғулаш ва синов, қудуқлардаги геофизик тадқиқот усуллари, олдинги тадқиқотлар маълумотларини таҳлил қилиш, шунингдек, углеводород базасининг мумкин бўлган ўсишини баҳолаш учун математик статистика усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Бешкент эгилмасидаги мезозой ётқизикларининг стратиграфик мажмуалари устки юзаси бўйлаб геологик тузилишининг структурали-тектоник хусусиятлари аниқланган;

углеводород захираларининг турлича баҳоланиши ва ортиши натижаларини, шунингдек, ресурс базасини саноат миқёсидаги тоифаларга айлантириш коэффициентларини қўллаш асосида башорат қилинаётган ресурсларни қайта баҳолаш зарурлиги исботланган;

Бешкент эгилмасининг углеводород конларини тутқичлар генетик турлари бўйича таснифлаш бажарилган, бу таснифлаш ўхшаш объектларни танлаш ишлаб чиқилган;

башорат қилинган углеводород ресурсларини тақсимлаш ва уларни қайта баҳолашдан келиб чиқиб, уларнинг концентрация даражасини ҳисобга олган ҳолда Бешкент эгилмасидаги мезозой қатламларининг нефть ва газга салоҳияти ва истиқболлиги харитаси ишлаб чиқилган;

уч ўлчовли геологик моделлар асосида углеводород уюмларини топиш учун истиқболли майдонлар ва объектларни ажратиш орқали Бешкент эгилмасининг углеводородга махсулдорлик салоҳиятини ошириш истиқболлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Бешкент эгилмасидаги куйи бўр даври, ўрта-юқори юра даври ва куйи-ўрта юра даври ётқизикларини уч ўлчамли геологик моделлаштириш асосида, нефть ва газ конларини излаш учун истиқболли зоналар аниқланган;

2023 йил 1 январидagi ҳолатига кўра, Бешкент эгилмасининг юра даври ётқизикларининг башоратли ресурслари баҳоланган;

башоратли ва истиқболли ресурсларни, ҳамда дастлабки баҳоланган захираларни саноат миқёси тоифалардаги захираларга ўтказиш коэффициентлари асослаб берилган;

Бешкент эгилмасида углеводород хом ашёси захираларини ўстириш имконияти асослаб берилган ва баҳоланган;

Бешкент эгилмасида очилган углеводород хом ашёси конларини генетик турлари бўйича таснифлаш бажарилган;

геологик-қидирув ишларини ўтказиш учун тайёрланган объектларнинг рейтинги аниқланган ва тахминий геологик-иқтисодий самарадорлиги баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги 16000 пог. км дан ортик ҳажмдаги УЧН-2D сейсмик қидирув ишларининг, 6500 км² дан ортик ҳажмдаги УЧН-3D маълумотлари билан ва 500 дан ортик чуқур қудуқларни бурғилаш ва қудуқларда геофизикавий тадқиқотларни ўтказиш тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Бешкент эгилмасининг геологик тузилишининг хусусиятларини аниқлаш, мезозой қатламларининг асосий стратиграфик комплексларини структурали-тектоник моделлаштириш ҳамда углеводород заҳиралари ва ресурсларини кўпайтириш истиқболларини илмий асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти Бешкент эгилмасининг геологик тузилишини батафсил ёритиб бериш, башорат қилинаётган углеводород ресурсларини қайта кўриб чиқиш, нефт ва газ салоҳиятини баҳолаган ҳолда истиқболли объектларни ажратиш, углеводородлар ресурслари ва заҳираларини кўпайтириш мақсадида геологик қидирув ишларининг кейинги йўналишларини белгилашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бешкент эгилмасининг геологик тузилишининг хусусиятларини аниқлаштириш ва истиқболли углеводород хомашёсининг заҳиралар базасини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Янги Нишон, Халқобод, Намозбой (терриген юра ётқизиклари) ва Бўзахур (терриген юра ётқизиклари) тузилмаларини излов бурғилаш учун тайёрлаш юзасидан тавсиялар «Ўзбекгеофизика» АЖ нинг ишлаб чиқаришига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноат ва геология Вазирлигининг 2024 йил 20 сентябрдаги 08-3518-сон маълумотномаси). Натижада, С₃ тоифасидаги 8,9 млн. т.ш.ё. миқдорида истиқболли ресурсларга эга бўлган Бўзахур (терриген юра) структураси чуқур бурғилашга тайёрлаш имконини берган;

03-ГР шаклида жамланадиган ахборотни оптималлаштириш мақсадида, баъзан тасдиқловчи геологик-геофизикавий маълумотлар мавжуд бўлмаган ёки мос келмайдиган истиқболли тузилмалар бўйича 03-ГР шаклига ўзгартиришларни киритиш юзасидан тавсиялар «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг ишлаб чиқаришига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноат ва геология вазирлигининг 2024 йил 20 сентябрдаги 08-3518-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон Республикасида нефт ва газ конларини излаш бўйича истиқболли структураларнинг йиғма фондидаги майдонларнинг ҳолатини ва ўрганилганлик даражасини тузатиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика даражасидаги илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуида 19 та илмий иш нашр этилган. Шулардан 1 та монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик

диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан республика нашрларида 3 та ва хорижий журналларда 4 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация ишининг таркиби кириш, 4 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва тадқиқот мавзусининг муҳимлиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ва уларни ҳал қилиш йўллари таърифланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, иш натижаларининг амалиётда жорий этилиши очиб берилган, нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **«Бухоро-Хива минтақасидаги Бешкент эгилмаси ҳудудининг геологик-геофизикавий ва бурғилаб ўрганилганлигининг ҳолати»** деб номланган биринчи бобида тадқиқот ҳудудида ўтказилган геологик ва геофизикавий ишларнинг ҳамда унинг бурғилаш орқали ўрганилганлиги шарҳи келтирилган.

Ушбу бобда Бухоро-Хива минтақаси, ва шу жумладан, Бешкент эгилмаси ҳудудининг геологик тузилишини ўрганишга ва нефтгазлилиги истиқболларини баҳолашга катта ҳисса қўшган тадқиқотчилар тўғрисида маълумот берилган, уларнинг ичида қуйидагиларни алоҳида қайд этиш мумкин: А.М. Акрамхўжаев, А.А. Абидов, А.Р. Хўжаев, А.А. Бакиров, А.В. Киршин, Б.Б. Таль-Вирский, Г.С. Абдуллаев, Х.Х. Миркамалов, М.Э. Эгамбердиев, А.Х. Нугманов, Ш.Д. Давлатов, В.Д. Ильин, В.П. Алексеев, М.Х. Арифжанов, П.У. Ахмедов, Б.Б. Ситдиқов, Р.А. Габрильян, Ф.Г. Долгополов, З.С. Ибрагимов, А.Г. Ибрагимов, В.И. Троицкий, Г.Б. Евсеева, Х.К. Исматуллаев, С.К. Салямова, У.Х. Хакимов, Н.К. Эйдельмант, Р.Т. Зокиров, Н.Ш. Хайитов, И.Т. Бойқобилов, Ш.С. Раджабов, Б.И. Хожиев, Л.Н. Сафонова ва бошқалар.

Ҳозирги пайтга келиб тахминан 8 минг км² майдонни эгаллаган Бешкент эгилмаси ҳудудида геофизикавий усуллар (АЕТУ, СТКУ, УЧН-2D ва 3D) билан биргаликда, тузилмавий ва чуқур излов ва қидирув бурғилаш қўлланилган ҳолда, режали геологик тадқиқотлар ўтказилган, натижада эгилманинги чуқур геологик тузилишини ўрганиш ҳамда нефть ва газ конларини аниқлаш имконини берган. Ушбу ҳудуднинг бурғилаш ёрдамида ўрганилганлиги даражаси юқори бўлса-да, жуда нотекис жойлашган. Жами 500 тадан ортиқ излов-қидирув ва параметрик кудуклар бурғиланган, улардан 380 та кудук конларда бурғиланган. Бешкент эгилмасининг кудуклар билан умумий бурғилаб ўтилиши 1702,6 минг пог. м. га яқин бўлган. Ҳудуднинг чуқур бурғилаш орқали ўрганилганлиги 15,3 км²/кудукқа тенг.

Бешкент эгилмасида карбонат ётқизиклари ётишининг шарт-шароитларини ўрганиш учун, юқори кўламда батафсил текширувчи сейсмик қидирув тадқиқотларининг қўлланиши зарур бўлади. Бу ҳудудда ишлаш тажрибаси шуни кўрсатадики, батафсил сейсмик қидирув ишлари янги конларни қайта тайёрлаш ва аниқлаш имконини бери, масалан: Пукли-Чўлқувар, Манғит-Шеркент, Марказий Янгикент-Рубойи, Жанубий Жомбулак-Туртсари ва бошқалар.

Диссертациянинг «**Бешкент эгилмасининг геологик тузилиши ва нефтгазлилиқ хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида, унда Бешкент эгилмасидаги геологик кесимнинг литологик-стратиграфик тавсифи, унинг тектоникаси ва нефтгазлилиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Бешкент эгилмаси эпигерцин Турон платформасининг энг йирик тектоник элементларидан бири Амударё синеклизасининг шимоли-шарқий ёнбағрида, Бухоро-Хива минтақасининг жануби-шарқий қисмида жойлашган.

Бу ерда, чўкинди қоплама (ғилоф) ва бурмали пойдевор (фундаменти) ўртасидаги чегара юзаси юра даврига мансуб терриген формациянинг таги билан мос келади. Ювилиш хусусияти, бурчак ва стратиграфик номувофиқлиги мавжуд бўлган чўкинди ғилофи, баъзи ҳолатларда, интрузив жинслар, бошқа ҳолатларда – эффузив жинслар, учинчи ҳолатларда – вулканик жинслар, тўртинчи ҳолатда – юра давридан аввалги (карбон давридан перм-триас давригача) нормал чўкинди жинслар устида ётади.

T2 (XIII горизонт), T6 (карбонатли юра устки юзаси) ва T7 (терриген юра устки юзаси) га тўғри келган қайтарувчи горизонтлар бўйича бажарилган структуравий қурилишлар уларнинг умумий ўхшашлигини тасдиқлайди. Карбонат ва терриген юра юзасини мураккаблаштирувчи тектоник ёриқларнинг мавжудлиги ва узунлиги бундан мустасно бўлиб, улар бўр ётқизикларида деярли учрамайди. Бундан ташқари, қуйи бўр ётқизиклари бўйича структуралар режалари асосий тектоник элементларнинг янада текис тузилиши ва силликланганлиги билан тавсифланади.

Қуйи-ўрта юра даври терриген ётқизикларининг устки қисми бўйича структуравий харитада тектоник жараёнлар билан боғлиқ бўлган ва натижада кўплаб антиклинал кўтарилишлар ва уларни ажратувчи эгилмалар ва дизъюнктив тектоник бузилишлар билан мураккаблашган етарлича табақалашган морфология акс этади. Локал кўтарилмалар боғлиқ характерга эга ва палеозой комплекси морфологияси билан боғлиқ бўлиб, кескин табақалашган юрагача бўлган жинслар комплекси учун текисловчи ролини ўйнайди.

Бешкент эгилмаси ҳудудида юра терриген ётқизикларининг устки қисми бўйича бир қатор ижобий структуралар ажралиб туради, улар юқорида жойлашган юра карбонат ётқизикларидаги мавжуд конларга (Шўртан, Ойдин, Чўнагар, Нишон ва ҳ.к.) ва юра карбонат қатлами ҳажмидаги ҳали конь бўлмаган тутқичларга (Турункул, Қирққинчак, Алачаван ва ҳ.к.) мос келади.

Ўрта-юқори юра даври карбонат ётқизикларининг устки қисми бўйича структуравий харитада, юра даври терриген ётқизиклари устки қисми каби,

кўп сонли ижобий локал структуралар (Шўртан, Ойдин, Чўнагар, Нишон, Турсари ва бошқалар) ва пликатив ва дизъюнктив характердаги тектоник элементлар билан мураккаблашган структуравий юзанинг табақалашган характери кузатилади.

Умуман олганда, ўрта-юқори юра даври карбонат ётқизиклари ва қуйи-ўрта юра даври терриген ётқизикларининг структуравий режаларини таққослаш уларнинг умумий мерос хусусиятларини намоён этади. Бироқ, юра даври терриген ётқизикларининг юқори қисми бўйича структуравий режа анча кескин кўринишга эга. Бу ҳолат, асосан, палеозой ҳосилаларининг кескин фарқланувчи юзаси терриген юра ётқизиклари томонидан текисланиши билан боғлиқ.

Қуйи бўр даври терриген ётқизикларининг структуравий модели тектоник жиҳатдан нисбатан барқарор морфологияга эга бўлиб, сезиларли даражада кам антиклинал тутқичлар (Жилимчи, Чорғумбоз, Ҳилол, Сирли, Исавой ва бошқалар) ва уларни ажратиб турувчи ботикликлар билан мураккаблашган. Айрим маҳаллий кўтарилмалар мерос хусусиятга эга бўлиб, ўрта-юқори юра даври карбонат формацияси кесимидаги антиклинал тутқичлар билан боғланган, уларнинг баъзиларига углеводород хом ашёси конлари алоқадор. Хариталанган тектоник бузилишларнинг камлиги дала сейсмик қидирув маълумотларини талқин қилишда уларни аниқлашнинг мураккаблиги билан боғлиқ.

Бешкент эгилмаси ҳудудида бажарилган геологик-геофизикавий тадқиқотларнинг натижаларига кўра, фақат ўрта-юқори юра давридаги карбонат ётқизиклари кесимида нефтгазга маҳсулдорлик аниқланган. Бунда, бўр ва юра давридаги терриген ётқизикларининг маҳсулдорлиги аниқланмаган, ҳолбуки ёндош ҳудудларда уларнинг мавжудлиги исботланган эди.

Чоржўй босқичи ҳудудида бўр даври ётқизикларида углеводородларнинг мавжудлиги масаласи ҳам мунозарали ҳисобланади. Бу масалада икки хил нуқтаи назардан келиб чиққан фикрлар мавжуд. Тадқиқотчиларнинг бир гуруҳи бўр давридаги ётқизикларни мустақил нефт-газ ҳосил қилувчи қатламларга эга деб ҳисоблайди, ва ўз нуқтаи назарига ушбу ётқизикларнинг таркибини геокимёвий ўрганиш маълумотлари, кесимларида углеводородларни ярата олиши мумкин бўлган органик модданинг (ОМ) юқори миқдори бўлган катта қалинликдаги гил қатламлари борлиги ва қўшни Туркманистон Республикасида туз устидаги бўр давридаги ётқизикларда йирик ва ҳатто ноёб конлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги Газли конининг мавжудлиги каби маълумотларларни далил қилиб келтиради. Тадқиқотчиларнинг бошқа гуруҳи бўр давридаги ётқизикларда УВ йиғилиши ҳолатларини иккиламчи, яъни туз-ангидритли формациясининг яхлитлиги бузилган участкаларида юра ётқизикларидан юқорига УВ миграцияси натижасида ҳосил бўлган деб ҳисоблайди.

Терриген юра ётқизиклари қисман ёки тўлиқ даражада 87 та қудуқ билан жами 9,6 минг метрга очилган, бу эса қаралаётган ҳудуд бўйлаб умумий

бурғилаб ўтишдан 0,6% қисмини ташкил этади. Бунда, терриген юра ётқизикларидаги синаш ишлари бу ётқизиклар очилган 87 та кудукдан фақат 18 тасида (20,7%) ўтказилган. Бунда энг яхши натижалар №1 Чунагар кудуғида олинган, бу ерда 14 мм штуцерда 84,8 минг м³/сут дебит миқдорида саноат миқёсидаги газ оқими олинган, №25 Шуртан кудуғининг 3891-3882 м оралиғида 8 минг м³/сут гача миқдорда газ оқими олинган. Шунингдек, №1-Бахористон, №1 Жанубий-Жилинская, №1П Янгиарик, №1 Янги Наистан кудукларида нисбатан кичик газ оқимлари олинган.

Ўрганилаётган ҳудудда палеозой комплексининг тоғ жинслари қисман 4 та (№1 Джилимчи, №6 Шимолий Қамаш, №1П Янгиарик, №1 Бахористон) кудукларида умумий қалинлиги 545 м га очилган, улардан фақат №1 Бахористон кудуғида 422 м (77,4%) га очилган. Бешкент эгилмаси ҳудудида палеозой комплексининг ҳосилаларида синаш ишлари олиб борилмаган, шу сабабли уларнинг нефтгазлилик истиқболлари ҳақида гапириш мушкул бўлади, ҳолбуки ушбу комплексда ўрганилаётган ҳудуднинг башоратли ресурсларидан 76,4% қисми жамланган.

Бешкент эгилмаси (БХМ бўйича жами захиралардан 24,9%) ҳозирги пайтда Бухоро-Хива минтақасида саноатга доир тоифаларга мансуб углеводородларнинг жами бошланғич захиралари бўйича Денгизкўл кўтарилишидан кейин (36,5%) иккинчи ўринда туради.

Диссертациянинг «**Бешкент эгилмасининг углеводород хом ашёси ресурслари базасининг замонавий ҳолати ва уни ўстириш истиқболлари**» деб номланган учинчи бобида, унда Бешкент эгилмасидаги конларни генетик типлари бўйича таснифлаш натижалари келтирилади, ҳамда хом ашё базасининг ҳозирги ҳолати ва уни ўстириш истиқболлари ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинади.

Бухоро-Хива минтақаси Бешкент эгилмасининг углеводород конлари, ушбу амалга оширилган таснифлашга мувофиқ, иккита синфга: тузилмавий (40 бирлик) ва рифоген (14 бирлик) синфларига гуруҳланади. Ушбу тасниф тайёрланадиган тузилмаларда истиқболли ресурсларни баҳолашда ўхшаш объектларни танлашда асослаш манбаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Дастлабки баҳоланган углеводород захираларини саноат миқёсидаги захираларга ўтказиш (0,88), истиқболли ресурсларни саноат миқёси тоифалардаги захираларга ўтказиш (0,45) ва башоратли ресурсларни саноат миқёсидаги захираларга ўтказиш (0,50-0,65) коэффициентларини ҳисоблаш ишлари шуни кўрсатадики, уларнинг охиргиси орттириб кўрсатилган қийматга эга бўлиб, биринчи навбатда, ҳажмли-генетик усул билан углеводородларнинг башоратли ресурсларини кўпроқ томонга қайта баҳоланишни талаб қилади.

Башоратли ресурсларни саноат миқёсидаги захира тоифаларига ўтказиш коэффициенти орттириб кўрсатилган қийматга эга эканлиги, башоратли ресурсларни баҳолаш маълум эҳтиёткорлик билан бажарилганлигидан далолат бериши мумкин. Бунда, уларнинг катталигига турли йилларда башоратли ресурсларни баҳолаш маълум ноёб ва йирик углеводород конларини, шу жумладан, Шўртан ва бошқа шу каби конларни ҳисобга олмаган ҳолда

бажарилгани таъсир қилган бўлиши мумкин, деган фикр ҳам мавжуд.

Геологик аналогиялар коэффицентларини қўллаган ҳолда, нисбий зичликлар услуби асосида, Бешкент эгилмаси ҳудудида жойлашган барча газ ва нефт ҳудудлари бўйича углеводород хом ашёсининг башоратли ресурсларини миқдорий баҳолаш ишлари бажарилган. Бу баҳолаш барча мавжуд объектларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиб, натижада дастлабки баҳоланган ресурсларнинг миқдори уларни охирги (01.01.2020 йилдаги) баҳолашга нисбатан 65% га, ёки 218,5 млн.т.у.т. га ўсди.


Ушбу баҳолаш натижалари асосида Бешкент эгилмасининг мезозой комплексини нефтгаз геологик районлаштириш схемаси ишлаб чиқилган (1-расм).

Мавжуд хом ашё базаси ҳисобига саноат миқёсидаги тоифаларда захираларнинг эҳтимолий ўсишини баҳолаш ишлари ҳам бажарилиб, ушбу баҳолаш, Бешкент эгилмасида геологик-қидирув ишларини муваффақиятли ўтказиш натижасида саноат миқёсидаги тоифаларда захираларнинг 339,4 млн. т.у.т. миқдорида ўсишини кутиш мумкин эканлигини кўрсатди. Бу қийматлар ушбу диссертация иши доирасида ҳисобланган башоратли ва истиқболли ресурсларни саноат миқёсидаги тоифалар захираларига ўтказиш коэффицентларини ҳисобга олган ҳолда асослаб берилган, бу коэффицентлар 0,23 ни ташкил қилган.

Диссертациянинг «**Геологик-қидирув ишларини ўтказиш учун устувор йўналишларини ва биринчи навбатдаги объектларни аниқлаш**» деб номланган тўртинчи бобида, унда нефт ва газ бўйича геологик-қидирув ишларининг устувор йўналишлари тўғрисида маълумот келтирилган ҳамда Бешкент эгилмасининг истиқболли объектларининг рейтинги белгиланган. Ушбу бобда шунингдек янги тутқичларни аниқлаш ҳисобига хом ашё базасини ўстириш имконияти баҳоланган.

Бешкент эгилмаси ҳудудида ўрта-юқори юра давридаги карбонат ётқизиклари асосий излаш объекти бўлиб қолмоқда, қўшимча объекти эса – қуйи бўр (K_1) ва қуйи-ўрта юра (J_{1+2}) давридаги терриген ётқизиклари ҳисобланади. Кўпгина тадқиқотчилар қуйи бўр (K_1) ва қуйи-ўрта юра (J_{1+2}) давридаги ётқизикларнинг нефтгазлилиги истиқболлари ҳақидаги фикрларга қўшилади, уларнинг қарашларида фақат нефтгаз ҳосил бўлиши ва нефтгаз йиғилиши масалалари юзасидан ўзаро фарқлар мавжуд.

Қуйи бўр давридаги XIII горизонтнинг устки юзаси бўйича, ўрта-юқори юра давридаги карбонат ётқизикларининг устки юзаси бўйича ва қуйи-ўрта юра давридаги терриген ётқизикларининг устки юзаси бўйича, тузилмавий асосларда нефтгазлилиқ башорати кўрсатилган хариталарнинг ишлаб чиқилган тўплами натижаларига кўра, нефт ва газ конларини излаш ва очиш юзасидан истиқболли участкалар (Турункўл, Толимаржон-Аляуди, Рубойи-Шеркент, Чилқувар-Изганчи ва бошқалар) аниқланган, бу эса УЧН-2D ва УЧН-3D сейсмик қидирув ишларини ўтказиш орқали, кейинчалик чуқур қудуқларни бурғилаш йўли билан, геологик-қидирув ишларининг йўналишларини аниқлаш имконини берган.



1 Расм. Бешкент эгилмаси мезозой комплекси нефтгазлилигини геологик районлаштириш схемаси.

Муаллиф: Хмиров П.В., 2024 й.

1 - Ўзбекистон Республикаси чегараси; 2 - газ ва нефтли участкаларнинг чегаралари; 3 - башорат қилинаётган ресурсларни тақсимланиши; 4 - қуйи бўр даврининг терриген қатламлари; 5 – ўрта-юқори юра даврининг карбонат қатламлари; 6 – қуйи-ўрта юра даврининг терриген қатламлари; 7 - нефть конлари; 8 - нефтгазли ва нефтгазконденсатли конлар; 9 - газ ва газконденсат конлари; 10 - салбий натижалар билан бурғулашдан чиқарилган структуралар; 11 - излов бурғулаш учун тайёрланган структуралар; 12 - бурғулашда бўлган структуралар; 13 - аниқланган структуралар; 14 - ресурс зичлиги (млн т.ш.ё./км²); 15 - башорат ресурслари концентрациясининг I тоифаси (200 дан ортиқ) (минг т.ш.ё./км²); 16 - башорат ресурслари концентрациясининг II тоифаси (100-200 дан ортиқ) (минг т.ш.ё./км²); 17 - башорат ресурслари концентрациясининг III тоифаси (50-100 дан ортиқ) (минг т.ш.ё./км²); 18 - башорат ресурслари концентрациясининг V тоифаси (10-30 дан ортиқ) (минг т.ш.ё./км²).

Шунингдек, Бешкент эгилмаси худудида бурғулаш учун тайёрланган тузилмаларнинг кўпчилиги, у ёки бу даражада, эҳтимолӣ равишда истиқболли эканлиги ва бурғулаш учун тавсия этилганлиги ҳақида хулоса қилинган. Лекин, дастлабки баҳолашга кўра, айрим ажратиб кўрсатилган биринчи навбатдаги объектлар (Хатчақўл, Карвонгузар, Нуристон) юқори устуворликка эга бўлади. Бунда, Бешкент эгилмасида ер қаъридаги 1 т.ш.ё. УВ-хом ашёси захираларини тайёрлашнинг таннархи ўртача 3,86\$ қийматни ташкил этади, бу эса етарлича самарали кўрсаткич бўлиб, умуман олганда, Бухоро-Хива минтақаси бўйича умумий кўрсаткичга таққослаганда мос келади (3,6\$).

Объектларда биринчи навбатдаги геологик-кидирув ишларини ўтказиш учун самарадорлиги бўйича уларнинг рейтингини аниқлаш мақсадида, мавжуд бўлган (аниқланган ва чуқур бурғилаш учун тайёрланган) истиқболли тузилмалар фондининг, ҳамда аниқланиши юзасидан эътиборни жалб этган объектларнинг мажмуий таҳлили бажарилган. Муаллиф нефть ва газ уюмларини кидириш мақсадида геологик-кидирув ишлари учун устувор ҳудуд ва объектларни танлашнинг геологик мезонлари рўйхатини белгилаб берган. Мезонлар орасида қуйидаги: Бешкент эгилмасининг ўрта-юқори юра даврининг карбонат қатламлари ва қуйи бўр ва қуйи-ўрта юра даврининг терриген қатламларида, шу жумладан уч ўлчамли шаклда бажарилган структурали тузилишлар амалга оширилди, бу эса истиқболли ҳудудлар ва намунали турдаги (шу жумладан тузилмалар бузилишлар билан мураккаблашган) объектларни аниқлаш имконини беради; юра карбонат формацияси ҳажмида тўсиқ риф тизими қатламлари мавжудлиги, унинг ҳажмида юқори қалинликдаги, излов майдонида сезиларли захираларни яратишга қодир бўлган юқори ғовакли коллекторлар бўлиши мумкин; нефть-газ комплексларига миграция йўллари ёки нефть ва газ конларини саралаш учун хизмат қилиш мумкин бўлган нефть ва газга истиқболли тутқичларни мураккаблаштирадиган узилмалар бузилишлар мавжудлиги; юқори ёки пастда жойлашган стратиграфик жинс комплексларида углеводородларнинг аниқланган саноат миқёсидаги уюмларнинг мавжудлиги; бир вақтнинг ўзида бир нечта стратиграфик комплекслар асосида истиқболли объект ичидаги антиклиналь тутқични аниқлаш; муаллиф томонидан башорат қилинаётган углеводород ресурсларини қайта баҳолаш натижасига кўра, башорат қилинадиган ресурсларнинг ўртача ва юқори зичлиги мавжуд бўлган ҳудудда нефть ва газга истиқболли объектни жойлаштириш; бўр қатламларининг нефть ва газлилигини башорат қилишда туз-ангидрит қатламининг нисбатан кичик қалинлиги каби мезонлар ажратилади.

Умуман олганда, биринчи навбатдаги объектлар сифатида 6 та башорат қилинаётган объектлар (Келек (Ў), Шаркий Ойдин, Шимолий Қирққулоқ, Исавой (Ў), Жанубий Ойқўтан, Шимолий Хилол), 2 та аниқланган объект (Янги Нишан ва Халқобод) ва чуқур бурғилаш учун тайёрланган 3 та тузилма (Хатчакўл, Карвонгузар ва Нуристон) ажратиб кўрсатилган, уларда C_3 тоифасидаги жами баҳоланган истиқболли ресурслари ҳажми 57,3 млн. т.у.т., шу жумладан эркин газ – 47,3 млрд.м³ ва ҳудуддан олинадиган конденсат – 1,7 млн. т. миқдорида аниқланган.

ХУЛОСА

Бешкент эгилмасининг геологик тузилиши хусусиятларини, ҳамда углеводород хом ашёси ресурслари базасини ўстириш истиқболларини аниқлаш бўйича фалсафа доктори (PhD) унвони учун тайёрланган диссертация иши доирасида ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар қилинган:

1. Бешкент эгилмаси доирасида, углеводородларнинг башоратли ресурсларини қайта баҳолаш натижасига кўра, асосий излов объекти ўрта-юқори юра даври карбонат ётқизиқлари бўлиб қолмоқда, қуйи бўр (K_1) ётқизиқлари ва қуйи-ўрта юра (J_{1+2}) даври терриген ётқизиқлари эса нефть ва газ конларини излаш учун истиқболли ҳисобланади.

2. T_2 (XIII горизонт), T_6 (карбонат юра юзаси) ва T_7 (терриген юра юзаси) га боғлиқ бўлган қайтарувчи горизонтлар бўйича амалга оширилган структурали тузилмалар уларнинг конформ тузилишини тасдиқлайди. Карбонат ва терриген юра ётқизиқлар юзасини сезиларли даражада мураккаблаштирадиган, бўр ётқизиқларида деярли йўқ бўлган тектоник узилмаларнинг мавжудлиги ва узунлиги истиснодир. Бундан ташқари, қуйи бўр ётқизиқлари бўйича структуравий режа асосий тектоник элементларнинг янада эгилувчан тузилиши ва текислиги билан тавсифланади.

3. Бешкент эгилмасида захиралар ва истиқболли ресурслар ҳаракатининг таҳлили дастлабки баҳоланган захираларни саноат миқёсидаги тоифалар захираларига ўтказиш (0,88), истиқболли ресурсларни саноат миқёсидаги тоифалар захираларига ўтказиш (0,45) ва башоратли ресурсларни саноат миқёсидаги тоифалар захираларига ўтказиш (0,50-0,65) коэффициентларини аниқлаш имконини берди, бу эса башоратли ресурсларни қайта ҳисоблаш зарурлиги тўғрисида хулоса қилиш имконини яратди.

4. Бешкент эгилмаси конларини генетик типлар бўйича таснифлаш бажарилди, улар иккита синфга: таркибий (оддий ва бузилишсиз тузилишдаги, ва узилишли дислокация билан мураккаблашган) ва рифоген (битталик ёки гуруҳли) типлари таркибига гуруҳланади.

5. Геологик аналогиялар коэффициентларини қўллаган ҳолда, нисбий зичликлар услубиёти асосида, унда мавжуд бўлган барча объектларни ҳисобга олган ҳолда, Бешкент эгилмасининг худуди доирасида жойлашган барча ГНМ лар бўйича углеводород хом ашёси башоратли ресурсларини миқдорий баҳолаш бажарилди, бунинг натижасида дастлабки баҳоланган ресурсларнинг миқдори уларни охириги (01.01.2020 йилдаги) баҳолашга нисбатан 65% га, ёки 218,5 млн.т.у.т. га ўсди.

6. Устувор вазифа сифатида 6 та башорат қилинаётган объектлар (Келек (Жт), Шарқий Ойдин, Шимолий Қирккулоч, Исавай (К), Жанубий Ойкўтан, Шимолий Хилол), 2 та аниқланган объектлар (Янги Нишон ва Халқобод) ва 3 та чуқур бурғилашга тайёрланган структура (Хатчакўл, Карвонгузар ва Нуристон) ажратилди, S_3 тоифадаги умумий тахминий истиқболли ресурслари ҳажми 57,3 миллион тонна шартли ёқилғини ташкил этади, бунинг учун геология-қидирув ишларини, шу жумладан УСХН-3Д сейсмик қидирув ишларини ўз ичига олган излов қудуқларини бурғулашни амалга ошириш тавсия этилади.

7. Бешкент эгилмасининг мавжуд муҳим углеводород хомашё базаси саноат миқёсидаги захираларини 339,4 миллион тонна шартли ёқилғи, шу

жумладан эркин газ 235,5 миллиард м³; конденсат - 17,3 миллион тонна; нефт – 29,0 млн.т. миқдорида ошириш имконини беради.

8. Башорат ресурсларининг тасдиқланишини баҳолашнинг турли усуллариини солиштириш асосида Бешкент эгилмаси учун углеводородларнинг башорат ресурсларини баҳолаш билан бассейтли моделлаштириш буйича ишларни олиб бориш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc 24/30.12.2019.GM.41.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ
И РАЗВЕДКИ НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ**

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ УЧРЕЖДЕНИЕ «ИНСТИТУТ ГЕОЛОГИИ И
РАЗВЕДКИ НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ»**

ХМЫРОВ ПАВЕЛ ВИКТОРОВИЧ

**ОСОБЕННОСТИ ГЕОЛОГИЧЕСКОГО СТРОЕНИЯ И
ПЕРСПЕКТИВЫ НАРАЩИВАНИЯ РЕСУРСНОЙ БАЗЫ
УГЛЕВОДОРОДНОГО СЫРЬЯ БЕШКЕНТСКОГО ПРОГИБА**

04.00.07 – Геология, поиски и разведка нефтяных и газовых месторождений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2025 г.

Тема диссертации доктора философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.4.PhD/GM170.

Диссертация выполнена в Институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета (www.ing.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Богданов Александр Николаевич
доктор геолого-минералогических наук,
старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Долгополов Феликс Геннадьевич
доктор геолого-минералогических наук

Закиров Равшан Тулкунович
кандидат геолого-минералогических наук,
профессор

Ведущая организация:

АО «Узбекгеофизика»

Защита диссертации состоится « 19 » марта 2025 г. в 10:00 часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 при Институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений (Адрес: 100164, г.Ташкент, ул. Олимлар, 64-Б. e-mail: igirnigm@ing.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений (зарегистрировано за № 4402). (Адрес: 100164, г.Ташкент, ул. Олимлар, 64-Б, e-mail: igirnigm@ing.uz).

Автореферат диссертации разослан « 27 » февраля 2025 г.

(реестр протокола рассылки № 1 от « 02 » декабря 2024 г.).




Г.Х. Шоймуратов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.


М.Г. Юлдашева
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.


Г.Б. Евсеева
Заместитель председателя Научного семинара
при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность диссертации. В мире наблюдается тенденция к росту экономического развития стран, сопровождающаяся повышением потребления энергоресурсов, что накладывает определённые требования к наращиванию ресурсной базы. Проблема увеличения углеводородного сырья ставится перед геологоразведочными службами для обеспечения бесперебойной работы топливно-энергетического комплекса, при этом особое внимание уделяется наращиванию темпов прироста запасов нефти и газа за счет освоения вновь открываемых и доразведки ранее открытых месторождений. В связи с этим, одной из приоритетных задач является более детальное изучение разведанных нефтегазоносных регионов с целью наращивания запасов углеводородного сырья путем повышения разведанности ранее открытых месторождений и опоискования новых стратиграфических комплексов, имеющее теоретическое и практическое значение.

В мире ведутся научные исследования по региональному изучению длительно разрабатываемых нефтегазоносных регионов с использованием новых методологий для увеличения и стабилизации добычи углеводородного сырья. В связи с этим особое внимание уделяется разработке бассейновых моделей территорий для регионального прогноза и количественной оценки нефтегазоносности, применения инновационных методик переработки и переинтерпретации геолого-геофизических материалов для построения трёхмерных моделей месторождений для уточнения строения и подсчётных параметров, выявления новых перспективных структур, обоснованию целесообразности опоискования слабо изученных стратиграфических комплексов для поисков новых месторождений углеводородного сырья.

В республике достигаются определённые научные результаты по развитию нефтегазовой отрасли, в том числе увеличению добычных возможностей, внедрению технологий для переработки нефти и газа. Эти и другие меры, предпринимаются для укрепления отрасли и обеспечения энергетической независимости государства. Опираясь на Стратегию развития Нового Узбекистана¹, можно подчеркнуть важность «продолжения реализации промышленной политики, направленной на обеспечение стабильности национальной экономики, увеличение доли промышленности в валовом внутреннем продукте и рост объёма производства промышленной продукции». Исходя из этого, уточнение геологического строения Бешкентского прогиба с прогнозом выявления и подготовки новых объектов для проведения геологоразведочных работ на нефть и газ имеет важное научное и практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 г. УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

способствует выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан от 09.07.2019 г. «О мерах по стабильному обеспечению экономики и населения энергоресурсами, финансовому оздоровлению и совершенствованию системы управления нефтегазовой отраслью»; от 18.11.2019 г. ПП-4522 «О мерах по совершенствованию системы организации и проведении геологоразведочных работ на нефть и газ»; УП-60 от 28 января 2022 г. «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»; УП-116 от 27 июля 2023 г. «О мерах по эффективной организации государственного управления в сфере горнодобывающей промышленности и геологии в рамках административных реформ», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VIII «Науки о Земле» (Геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья).

Степень изученности проблемы. Проблемами изучения геологического строения и оценки перспектив нефтегазоносности Бухаро-Хивинского региона, и, соответственно, исследуемой территории (Бешкентского прогиба), занимались Акрамходжаев О.М., Абидов А.А., Бабаджанов Т.Л., Бабаев А.Г., Киршин А.В., Абдуллаев Г.С., Нугманов А.Х., Ситдииков Б.Б., Таль-Вирский Б.Б., Хаин В.Е., Долгополов Ф.Г., Богданов А.Н., Каршиев О.А., Хайитов Н.Ш., Раубходжаева Т.С., Мордвинцев О.П., Ахмедов П.У., Эйдельмант Н.К., Габрильян Р.А., Евсеева Г.Б., Сафонова Л.Н. и многие другие.

